

Бундан буён "сотувчи" деб аталувчи "EMPIRE TEKSTIL" МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи рахбар Д.Алимжанов бир томондан ва бундан буён «Харидор» деб аталувчи Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида фаолият олиб боровчи вб З.Темиров бошқа томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «Сотувчи» куйидаги шартларга мувофиқ Куз-киш мавсумига озик овкат махсулотлари захираси учун махсулотларни етказиб беради «Харидор» эса махсулотларни қабул қилади ва тўлайди.:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўмда)	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
1.	Картошка	кг	35000	3490	122150000
2	Пиёз	кг	12000	3290	39480000
	ЖАМИ				161630000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 161630000 (бир юз олмиш бир миллион олти юз уттиз минг) сўмни ташкил қилади

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Харидор" мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 90 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. "Харидор" аванс маблағлари "Сотувчи" нинг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Сотувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Харидор" товарларни қабул қилишда "Сотувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар "Сотувчи" ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. "Харидор"нинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита "Харидор"нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқлари:

"Сотувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Харидор" ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, "Сотувчи"дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

"Сотувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- "Сотувчи"дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Харидорнинг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. "Сотувчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Харидор"дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- "Харидор"дан мазкур шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. "Сотувчи"нинг мажбуриятлари:

- Харидорга товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида “Сотувчи” шартнома шартлари ва меъёрлардан ва ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Харидорнинг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек “Сотувчи” шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи “Сотувчи”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “Сотувчи” жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун харидор маҳсулот “Сотувчи”га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Харидор” “Сотувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.4. “Сотувчи”:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (харидор) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Сотувчи”дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган сумма белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима “Сотувчи”дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар “Сотувчи” сотиб олувчига (харидорга) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун “Сотувчи” сотиб олувчига (харидорга) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (харидор) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Сотувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги Сотувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.



6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириши ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомидан бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. Коррупцияга қарши талаблар

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

9.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## 10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Сотувчи»
Ташкилот номи : "EMPIRE TEKSTIL" МЧЖ
Манзил: Асака туман Маргилоний кучаси
Телефон: +998 97 324 17 10 +998 97 998 87 77
СТИР коди: 309115584
Х/Р: 20208000905473964001
Банк номи: Агро банк Асака филиали
МФО: 00033
Раҳбар (директор):  Д.Алимжанов (имзо)

«Харидор»
Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими Андижон шаҳар Пирмухаммедов №1
Хр 100022860034017091100251056
СТИР 305156119 ОКОНХ 92400
Ўзбекистон Республикаси МВ Газначилик бўлимини
ХР 23402000300100001010
Марказий банк ХККМ МФО : 00014
ИИФН 201122919
Раҳбар (во):  З.Темиров

*kepasat huj.*

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

ES0563813858

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **2022 kishlok xujalik maxsulotlari zaxirasi uchun**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: "ANDIJON SHAHAR MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 10.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Andijon shahar  
yuridik markazi  
markaz rahbari:**



**Z.Z.NAJMIDINOV**

10.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 172914 на приобретение Андигон шаҳар ДМТТларига кишлок хужалик махсулотлари захираси учун**

Способ проведения электронный

Дата 07.11.2022

Время рассмотрения 07.11.2022 18:01

Закупочная комиссия Андигон шаҳар Мактабгача таълим булими Марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	TEMIROV ZIYOVUDDIN ZAYNOBIDDIN O'G'LI	раҳбар (вб)	0
<b>Секретарь комиссии</b>	USMANOV SHUXRATBEK MUXAMADJANOVICH	Андигон шаҳар МТБ қурилиш ишлари бўйича мутахассиси	Андигон ш МТБ
<b>Член комиссии</b>	YULDASHEV OLIMJON G'OFURJONOVICH	Андигон ш МТБ бош хисобчи	Андигон ш МТБ
<b>Член комиссии</b>	MAMAJONOV SHAVKATBEK NURMATOVICH	Андигон ш МТБ бош хисобчиси ёрдамчиси	Андигон ш МТБ
<b>Член комиссии</b>	XALIBOYEV MIRJALOL MAMASADIQOVICH	мутахассис	0
<b>Член комиссии</b>	MAXMADAMINOV BOBURBEK AVAZBEK O'G'LI	Эксплатация булими ходими	0

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.11.2022 года № лота 172914.  
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Картофель продовольственный</b>
Подробное описание	Кишлоқ хужалик махсулотлари захираси учун картошка
Количество товара	35 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	4 500.00
Стартовая сумма	157 500 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Лук репчатый</b>
Подробное описание	Кишлоқ хужалик махсулотлари захираси учун пиёз
Количество товара	12 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	3 500.00
Стартовая сумма	42 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 корхона тугрисида маълумот (ишчи ходимлари, техникалари ва бошқалар)

Тип: Текстовое значение

Описание: корхона тугрисида маълумот (ишчи ходимлари, техникалари ва бошқалар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FIN-ТЕК	10	есть	10	Экспертная		
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	10	БОР	10	Экспертная		

Критерий №2 Нохолис таъминотчилар руйхатида йуклиги тугрисидаги маълумотларни тулик такдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Нохолис таъминотчилар руйхатида йуклиги тугрисидаги маълумотларни тулик такдим этиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FIN-ТЕК	10	есть	10	Экспертная		
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	10	нохалол етказиб берувчилар руйхатида йук	10	Экспертная		

Критерий №3 ДСИдан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумот, банк маълумотлари тугрисида маълумот,

Тип: Текстовое значение

Описание: ДСИдан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумот, банк маълумотлари тугрисида маълумот,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FIN-ТЕК	10	есть	10	Экспертная		
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	10	МАВЖУД	10	Экспертная		

Критерий №4 Коррупция йул куймаслик тугрисида алока хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция йул куймаслик тугрисида алока хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FIN-ТЕК	10	есть	10	Экспертная		
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	10	БОР	10	Экспертная		



Критерий №5 гувоҳномаси, низоми, лицензияси,

Тип: Текстовое значение

Описание: гувоҳномаси, низоми, лицензияси,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FIN-ТЕК	10	есть	10	Экспертная		
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	10	БОР	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП FIN-ТЕК	199 500 000.00	189 943 000.00 UZS	189 943 000.00	00.00	189 943 000.00	05.11.2022 19:41:15	85.09395
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	199 500 000.00	161 630 000.00 UZS	161 630 000.00	00.00	161 630 000.00	06.11.2022 23:18:15	100

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП FIN-ТЕК	Прошел	85.09395	85.09395
EMPIRE TEKSTIL MCHJ	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 172914 от 07.11.2022 года на приобретение Андижон шаҳар ДМТТларига кишлок хужалик махсулотлари захираси учун определила победителем:

EMPIRE TEKSTIL MCHJ  
309115584

и резервный исполнитель: ЧП FIN-ТЕК (308266969)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	TEMIROV ZIYOVUDDIN ZAYNOBIDDIN O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	YULDASHEV OLIMJON G'OFURJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAMAJONOV SHAVKATBEK NURMATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XALIBOYEV MIRJALOL MAMASADIQOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXMADAMINOV BOBURBEK AVAZBEK O'G'LI	Согласен	